

## ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ИҚТИСОДИЙ ТЕРМИНЛАРИНИНГ УМУМИЙ ВА СОҶАВИЙ ЛУҒАТЛАРДА ЎЗАРО ТАРЖИМАДА БЕРИЛИШИ МУАММОЛАРИ

Дурдона ХАМИДОВА

Ўқитувчи

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Тошкент, Ўзбекистон

[d.xamidova@uzswlu.uz](mailto:d.xamidova@uzswlu.uz), [dhamidova10@gmail.com](mailto:dhamidova10@gmail.com)

### Аннотация

Мақолада терминология, хусусан иқтисодиёт соҳасига оид терминлар, уларнинг изоҳли луғатларда берилиши билан боғлиқ муаммо ва ечимларга доир тавсиялар берилади ҳамда ўзбек ва инглиз тилларидаги терминларнинг таржимаси билан боғлиқ масалалар ҳақида фикр юритилади. Умуман, ўзбек луғатчилигида терминология соҳасига доир кўплаб тадқиқотлар олиб борилганлиги изоҳланади.

**Таянч сўзлар:** иқтисодиёт, аукцион, акт, пул, кешбек, чегирма, ҳисоб-китоб, бухгалтерия, помета, терминология, изоҳ, тартиб, таржима принципи.

## ПРОБЛЕМЫ ПРЕДСТАВЛЕНИЯ ВЗАИМНЫХ ПЕРЕВОДОВ АНГЛИЙСКИХ И УЗБЕКСКИХ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ТЕРМИНОВ В ОБЩИХ И ОТРАСЛЕВЫХ СЛОВАРЯХ

Дурдона ХАМИДОВА

Преподаватель

Узбекский государственный университет мировых языков

Ташкент, Узбекистан

[d.xamidova@uzswlu.uz](mailto:d.xamidova@uzswlu.uz), [dhamidova10@gmail.com](mailto:dhamidova10@gmail.com)

### Аннотация

В данной статье рассматривается терминология, в частности, термины, относящиеся к области экономики, проблема их представления в словарях и рекомендации в качестве решения, а также проблемы с переводом терминов на узбекский и английский языки. Вообще в области терминологии в узбекской лексике проведено много исследований.

**Ключевые слова:** экономика, аукцион, акт, деньги, кэшбэк, скидка, расчет, учет, финансы, помета, терминология, комментарий, процедура, принцип перевода.

Дунё тилшунослигида терминология ҳар бир фан тармоғининг қон томири сифатида жадал ривожланди. Терминосистеманинг тизимли шаклланишида терминографик тадқиқотлар катта аҳамият касб этишини давр кўрсатмоқда. Муайян тилнинг терминологик тизимларини, шунингдек,

тилнинг умумий бойлигини кўрсатиб берувчи изоҳли луғатлар ҳар қандай тилшунослик учун бу борадаги энг йирик амалий тадқиқотлар саналади.

Ўзбек тилшунослигида бу масалада салмоқли ютуқлар қўлга киритилган. Аммо тил ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ тарзда тараққий этиб боришини ҳисобга олсак, луғатлар яратиш ишининг такомиллаштирилиши, луғат базасининг бойитилиб, янгиланиб бориши долзарблигича қолаверади. Зотан, “ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни, она ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қоидасига айлантиришимиз керак” [1] экан, соҳавий билимларни эгаллашнинг асосий манбаи бўлган терминографияга оид тадқиқотларга эҳтиёж ортиб бораверади.

Ўзбек тилшунослигида терминологиянинг лексикографик хусусиятларига бағишланган қатор тадқиқотлар олиб борилган, луғат ва қўлланмалар чоп этилган. Ўзбек тилида терминология масалалари М.Умархўжаев, Х.Дадабоев, С.Муҳамедова, С.Мустафаева [2]ларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган. Соҳавий терминларнинг лингвистик тадқиқоти билан О.Аҳмедов, П.Нишонов [3], Х.Палуанова каби олимлар ҳам шуғулланган.

Умумий изоҳли луғатлар ҳар қандай тилшуносликнинг лексикография соҳасида амалга ошириладиган йирик ишларидан саналади. Зеро, унда умумхалқ бойлиги – тилнинг бутун салобати, барча услубга хос сўз, ибора, турли соҳага оид терминлар ўз аксини топади. Шу билан бирга, ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган катта ўзгаришлар, дунёнинг ривожланган жуда кўп давлатлари билан алоқаларнинг тобора кенгайиб бораётгани қисқа фурсатлар ичида ўзбек тили, айниқса, унинг лексикаси ривожига сезиларли таъсир кўрсатди. Шундай омиллар таъсирида ўзбек тилининг луғат таркибида юз берган жиддий ўзгаришлар сабаб ўзбек тилининг замон талабига жавоб берадиган кўп жилдли изоҳли луғатини тузиш, нашрга тайёрлаш ва чоп қилиш ишлари амалга оширилди.

Бугунги кунгача ўзбек тилининг катта ҳажмда сўз бойлигини, тилнинг адабий тил меъёрларини, ўзбек тилининг қўлланиш ҳолатини (қисман) кўрсатиб берувчи изоҳли луғатлар икки марта яратилган. 1981 йилда яратилган “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” икки томдан иборат. Ушбу луғатдан фарқли равишда анча тўлдирилган ва таҳрир қилинган ҳолда нашр этилган 5 жилдли ЎТИЛ ҳам кенг фойдаланувчилар аудиторияси учун ўзбек тили бўйича бебаҳо манба экани, шубҳасиз. Ушбу луғатлар нафақат тилдан фойдаланувчилар, балки тилшунослик соҳаси учун ҳам қимматли материал. Чунки ўзбек луғатчилигида бу каби йирик лексикографик манбанинг яратилиши луғатшуносликда ўзига хос ютуқ бўлиб, соҳада янги босқични бошлаб берди деб айтса бўлади.

Таъкидлаш жоизки, мазкур (2 томли ва 5 жилдли) луғатларда улар яратилган ўша даврдаги ўзбек тилининг улкан қисми акс эттирилган. Сўз бирикмалари, иборалар билан биргаликда ҳаётнинг турли соҳаларига тегишли терминлар ҳам луғатдан ўрин олган.

Ўзбекистонда амалий лексикография соҳасида эришилган муваффақиятлар икки тилли луғатларнинг муайян лексикографик масалаларни ҳал этишда орттирган бой тажрибасини ва камчиликларини ёритишга бағишланган бир қатор илмий ишларни юзага келтирди. Улар ўзбек тилининг изоҳли луғатлари учун ҳам, шубҳасиз, катта аҳамиятга эга бўлди.

Турли соҳалар каби иқтисодиёт ҳам инсон ҳаётида муҳим аҳамиятга эга соҳалардан биридир. Давр ўтиши билан юзага келаётган турли ўзгаришлар, албатта иқтисодиётда ҳам ўз аксини топади. Бу ўзгаришларнинг турли соҳага оид ҳамда умумий изоҳли луғатларда ифодаланиши жамият ривожига алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” [6] ги 2019 йил 8 январги ПФ-5614-сон Фармонида кўра иқтисодиётни ривожлантириш муҳим масала этиб

белгиланган. Бу эса янгича ёндашувларни талаб этади ва ўз навбатида, бундай янгиликлар янги терминларнинг пайдо бўлиши, тилимизга кириб келиши билан ҳам характерланади.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатларида иқтисодийга оид терминларнинг берилишида ҳар хиллик мавжуд бўлиб, бугунги кун луғатчилиги жиддий тадқиқотлар олиб боришни ва замон талабларига мослашишни вазифа қилиб қўяди. Изоҳли луғатда иқтисодийга оид сўзлар турли шаклда берилган.

Масалан, Иқтисодий терминлар “АЙИРБОШЛАШ *иқт.* Кишиларнинг меҳнат фаолияти ёки маҳсулотларини ўзаро алмаштиришлари.” каби берилган бўлиб, *иқт.* пометаси билан берилган. Бироқ “АУКЦИОН [лот. *auctio, auctionis* – ўсиш, кўпайиш; оммавий савдо] Оммавий кимошди савдоси.” каби иқтисодий терминлар *иқт.* пометасисиз берилган. Худди шунингдек, *акция, аудит, аудитор, акциядор, базис, банкрот*, каби сўзлар ҳам *иқт.* пометасиз берилган.

ЎТИЛда биз аниқлаган иқтисодий терминлар (соҳага оид адабиётлар воситасида аниқланган) жами 251 та бўлиб, шундан 77 таси *иқт.* пометаси билан берилган бўлса, балансламоқ, дебит, дебитор, дебиторлик, кредит, пассив каби иқтисодий терминлар *бухг.* пометаси билан берилган. Масалан, “КРЕДИТ [лот. *credit* – у ишонади] *бухг.* Кирим-чиқим дафтарларининг чиқимлар, унадиган пуллар ёзиладиган ўнг томони; *зид.* дебет.

*-Бухгалтериянинг дебет-кредити учма-уч бўлиши керак, – деди Очил. Б. Раҳмонов, Юрак сирлари.*” [5;415] каби.

Халқаро алоқаларнинг фаоллашуви, глобаллашувнинг ортиши натижасида бошқа соҳалардаги сингари инглиз тилидан иқтисодий соҳа терминлари ҳам шиддат билан кириб, тилимизга аралашиб кетмоқда. Масалан, “*cashback*” термини турли савдо ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ҳолатларда фаол ишлатилаётганига гувоҳ бўлсак-да, бироқ ушбу сўзни соҳа ва умумий луғатларда ҳам келтирилмаганлигини кўрдик. Ушбу сўзнинг маъносини билиш юзасидан олиб борган кузатишларимизга кўра, аксарят истеъмолчилар “чегирма” маъносини билишар экан, аслида мазмунан

чегирмага яқин турса-да, бироқ айнан шундай эмас. Яъни, “*cashback*” иккинчи бир маъносига кўра, кредит картада тўпланган баллар ёки тўғридан-тўғри банк ҳисобига тўланган нақд пул шаклида бўладими, ҳар қандай нақд пулни рағбатлантиришнинг яна бир номидир.

“Cashback is a rewards program where customers can earn back a percentage of the money they spend while shopping. What does cashback on a credit card mean? Cashback on a credit card means that you’ll receive a certain percentage of money back when you spend money with your card. What is cashback bonus?Cashback bonus is another name for any cashback incentive program, whether it comes in the form of points collected on a credit card or cashback paid straight into your bank account” [7] тарзида изоҳланган бўлиб, юртимиздаги реклама ва эълон матнларида “*cashback*” ҳолатида айнан ёзилмоқда. Ўзбек тилининг лотин ёзувиغا асосланган ўзбек алифбосида “С” алоҳида белги сифатида мавжуд эмас, шунингдек инглиз тилида “a” ҳарфи аксарият ҳолларда “e” талаффуз қилинганлиги сабабли ушбу сўзни ўзбек тилига термин сифатида қабул қилишда ёзувда “кешбек” тарзида қабул қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида иқтисодий терминларнинг берилиши билан боғлиқ яна шундай ҳолатлар борки, иқтисодий терминлар “ДИСКОНТ [ингл. discount – чегирма; фарқ] *иқт. мл.* 1. Қимматли қоғозлар, қоғоз ёки танга пуллар ва ш. к. нинг фонд биржасида айна пайтда сотилаётган нархи билан белгиланган нархи ёки уларни қайтариб сотиб олишдаги нархи ўртасидаги фарқи. 2. Товари турли муддатларда етказиб бериш билан боғлиқ нархлари ўртасидаги фарқ. 3. Товарнинг сифати меъёр ёки шартнома талаби даражасида бўлмаслиги оқибатида товар нархининг пасайиши. 4 Банк ёки айрим шахс томонидан векселни унинг амал қилиш муддатигача ўтган даврдаги фоизларини чегирган ҳолда ҳисобга олиб бориш. 5 Векселни қайта сотиб олишда банк ундирадиган фоиз” [4;602] тарзида берилган бўлиб, бу ҳам луғатда қатъий принцип асосида берилмаган. Жумладан, “ДЕФИЦИТ [*лот. deficit – етишмайди*] 1 *мл.* Даромадга қараганда харажатларнинг ошиб

кетиши; танқислик. – “Бюджет дефицити. ресурсларни тежаш сиёсатини ўтказмасак, ҳеч қачон дефицит балосидан қутула олмаймиз (*Газетадан*)” [4;627], каби иқтисодий терминларни *мл. (молиявий)* термин сифатида чегаралаб помета билан ифодалайди. Аслида иқтисодиёт ҳам спорт, санъат сингари улкан соҳалардек катта бўлганлиги сабабли, умумий луғатларда шундан келиб чиқиб умумий соҳани акс эттирувчи пометалар билан ифодалаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Сўзларнинг термин сифатидаги маъносини беришда ҳам бир хиллик мавжуд эмас. Масалан, иқтисодий терминликни ифодаловчи *иқт.помета* биринчи ўриндан тўртинчи ўрингача берилган. Шунингдек, *мл. ва бухг. шартли қисқартмалар* ҳам турли тартибда берилган бўлиб, бу ўриндаги *бухг. пометаси* – “*бухгалтерияга, ҳисоб-китобга оид деб*” ўзбек тилида ҳисоб-китоб муқобили бўлгани ҳолда рус тилидаги сўзнинг қисқартмаси сифатида бериб келинмоқда.

Бундан ташқари изоҳли луғат иқтисодий термини сифатида фаол бўлса-да, *акт, газначилик, ликвидлик, макроиқтисодиёт, микроиқтисодиёт, қора бозор, қўшма корхона, субсидия, криптовалюта* каби терминлар унда мавжуд эмас.

Шунингдек, умумий изоҳли луғатда, юқорида таъкидлаганимиздек, иқтисодиёт соҳасида термин маъносига эга сўзларнинг терминлик изоҳлари келтирилмаган.

Таржима масаласида эса, рибо, пеня ва музораба каби иқтисодий терминларни таржимон дастурлари орқали автоматик таржима қилишда муаммолар мавжуд.

Иқтисодиёт соҳасига оид терминларнинг изоҳларини уларни ифодалашга хизмат қиладиган шартли белгиларнинг берилишини, ўзбек тилига хослигини, изоҳларини бугунги куннинг талаби ва эҳтиёжидан келиб чиқиб такомиллаштиришда инглиз тили билан қиёслаш кўплаб назарий ва амалий натижалар беради деб ҳисоблаймиз. Хусусан, иқтисодиёт муҳим соҳа эканлигини инобатга олиб, инглиз ва ўзбек тилидаги иқтисодий

терминларнинг таржимаси билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш борасида қимматли тадқиқотларга зарурият тобора ортиб бормоқда.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг 30 йиллиги муносабати билан сўзлаган нутқи. – Халқ сўзи / <https://xs.uz/uzkr/post/til-millat-kozgusi>

2. Mustafayeva S. Xitoycha-o'zbekcha tilshunoslik terminlari. Toshkent: : Fan va texnologiyalar Markazi, 2014. 111 b.; Muhamedova S va mualliflar jamoasi. Bank-moliya terminlarining o'zbek tilidagi izohli lug'ati. Toshkent: Innovatsiya-Ziyo, 2020. – 157 b.

3. Нишонов П. Француз ва ўзбек тиллари юридик терминологиясининг қиёсий-типологик тадқиқи: филол. фанлари номз. ...дисс. автореф. – Тошкент: Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, 2009. – 26 б.

4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. I жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий Энциклопедияси, 2020. – 679 б.

5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. II жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий Энциклопедияси, 2020. – 671 б.

6. <https://lex.uz/docs/4147294>

7. <https://go.mail.ru/search?fr=ps&gp=843253&q=what%20does%20it%20mean%20cashback&src=go&sbmt=1653072470771&hasnavig=0>